



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Boғot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

108 u -son

Boғot shaharchasi

Фуқаро Ахмедов Ўткирбек Раматбоевичга “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахмедов Ўткирбек Раматбоевичнинг “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 12 декабрдаги ХО-А-3477-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2018 йил 31 январдаги 205қ-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 10 декабрдаги 4147-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 108,0 квадрат метр, умумий ер майдони 108,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биноси фуқаро Ахмедов Ўткирбек Раматбоевичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Ахмедов Ўткирбек Раматбоевич ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу қурилиши тугалланмаган “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев